

“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан **«ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСЛАРИ»** мавзусидаги кўргазмали маъруза таълим технологияси модели

<b>Вақт 2 соат</b>	<b>Талабалар сони 110</b>
<b>Ўқув машғулоти шакли</b>	<b>кўргазмали маъруза</b>
<b>Маъруза режаси</b>	<b>1. Ер тузиш жараёни 2. Тайёргарлик ишлари</b>
<b>Ўқув машғулот мақсади</b>	“Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни” тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш
<b>Педагогик вазиятлар</b> 1. Ер тузиш жараёнини тушунтириш 2. Тайёргарлик ишларини тушунтириш	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b> 1. Ер тузиш жараёнини ҳақида тасаввурга эга бўлиш 2. Тайёргарлик ишларини тушуниш
<b>Таълим усуллари</b>	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара
<b>Таълимни шакллантириш шакли</b>	Оммавий, жамоавий
<b>Таълим воситалари</b>	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
<b>Таълим бериш шароити</b>	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки сўров: тезкор сўров

“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан **«ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСЛАРИ»** мавзусидаги кўргазмали маъруза технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	<p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади.</p> <p>Машғулот очиқ маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2.2. Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.</p> <p>2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)</p>	Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

**(1-илова)**

- 1. Чегаралаш деганда нимани тушунасиз?**
- 2. Хўжаликлараро ер тузиш нима?**
  - 3. Ер фонди нима?**
- 4. Республика ер фонди қандай тоифаларга бўлинади?**

(2-илова)

**МАВЗУ:** “ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ЖАРАЁНИ  
ВА УНИ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСЛАРИ”

**Режа**

- 1. Ер тузиш жараёни**
- 2. Тайёргарлик ишлари**

## Ер тузиш жараёни

□ ХАЕТ ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш ва тартибга солиш масалаларини ечиб, катта ҳудудларнинг ташкил этилишига сезиларли ўзгаришлар киритади. ХАЕТ бўйича асосий ишлар, одатда, хўжаликлар гуруҳини қамраб олгани ва кўпчилик ҳолларда маъмурий туманлар чегараларида амалга оширилганлиги сабабли, ХАЕТ туман ер тузиш чизмалари билан ягона технологик ва ахборот алоқасида ўтказилади.

□ Туман ер тузиш чизмаси ва унга мос тарзда ишланган кўрсаткичлар хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаларини ишлаш учун топшириқни тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилади.

□ ХАЕТ давлат органларининг (ҳокимиятларнинг), маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг қарорлари ёки ер мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари, ҳамда ер тузиш органларининг ташаббуси бўйича ва манфаатдор фуқаролар ва ҳуқуқий шахслар иштирокида ўтказилади.

# Ер тузиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади

1. Тайёргарлик ишлари

2. Лойиҳани тузиш ва асослаш, лойиҳа хужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

3. Лойиҳани жойларга (натурага) кўчириш

4. Ер тузиш билан боғлиқ хужжатларни тайёрлаш, ердан фойдаланиш ёки унга эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган давлат актларини (далолатномаларини) бериш

5. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини, ер мулкдорлари, эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан лойиҳанинг бажарилиши устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш

# Тайёргарлик ишлари

Тайёргарлик ишлари жараёнида қуйидаги масалалар ечилиши керак

1. ХАЕТ қатнашчилари таркибини аниқлаш

2. ХАЕТни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни йиғиш, тайёрлаш ва ўрганиш

3. хўжаликлар ерларининг аҳволини ўрганиш ва ХАЕТни ўтказиш зарурати ва сабабларини аниқлаш

4. ер тузиш ўтказилаётган хўжаликларнинг таклиф ва истакларини аниқлаш

5. лойиҳа тузиш бўйича топшириқни ишлаб чиқиш, манфаатдор хўжаликлар, ташкилотлар ва муассасалар билан келишиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш

**Тайёргарлик ишлари камерал ер тузиш тайёргарлиги ва далада ўтказиладиган изланишлардан иборат бўлади.** Улар асосида лойиҳалаш учун топшириқ, кейин лойиҳанинг ўзи ҳам тузилади.

***Камерал ер тузиш тайёргарлик ишлари*** лойиҳалаш объектига чиқишгача бажарилади. У ХАЕТ қатнашчилари таркибини белгилаш ёки аниқлашдан бошланади. Уларнинг сони иккитадан бир неча ўнтагача, ҳаттоки айрим ҳолларда юзтадан ҳам ошиб кетиши мумкин. Бу ишлар хўжаликлараро ер тузиш қатнашчилари рўйхатини тузиш билан якунланади. Бу план-харита материаллари талаб этиладиган ҳудудни аниқлаб беради.

Камерал тайёргарликда қуйидаги ҳужжат ва маълумотлар йиғилади ҳамда ўрганилади.

ХАЕТни ўтказиш ташаббускорлари томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар (илтимоснома, қарорлар, давлат муассасалари буйруқлари ва бошқ.);

\* туманнинг, мавжуд хўжаликларнинг, хўжаликлараро бирлашмаларнинг ва янги хўжаликларнинг келажакдаги ривожланиши ва улар олдида турган вазифалар ҳақида маълумотлар;

\* туман ва вилоят ер тузиш чизмалари (схемалари);

\* ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар (давлат актлари);

\* хўжаликлар ва айрим ер бўлаклари майдонларининг ер ҳисоби ва уларни баҳолаш бўйича маълумотлар;

\* хўжаликлар ер майдонлари планлари, хўжаликлараро ер тузиш ўтказиладиган ҳудуд умумий ерларининг плани (хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлашга мос масштабда);

\* олдинги йилларда ўтказилган ер тузиш ишлари натижалари;

\* тупроқ, геоботаника, мелиорация, йўл, сув хўжалиги ва бошқа изланишлар, қидирув ишлари натижалари;

- мелиорация, ирригация, йўл қурилиши ва бошқа лойиҳалар (чизмалар);
- хўжаликлар учун белгиланган сув лимити ва уни ошириш имкониятлари;
- ер тузиш ишлари ўтказилаётган хўжаликларнинг иқтисодий кўрсаткичлари;
- хўжалик марказлари ва аҳоли яшаш жойлари, якка жойлашган ишлаб чиқариш марказлари ва чорвачилик фермалари тўғрисида маълумотлар;
- қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги тўғрисидаги охириги 3-5 йиллардаги маълумотлар;
- ер талаб этадиган объектлар лойиҳалари ва чизмалари;
- махсус қўриқланадиган ҳудудлар (қўриқхона, табиат, маъданият ёдгорликлари, тарихий-маданий объектлар ва бошқ.) жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар;
- сув муҳофаза минтақаларининг, бошқа муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва уларда ердан фойдаланиш тартиблари тўғрисидаги материаллар.

Лойиҳа плани етарли даражада мукаммал ва аниқ ва ишлаш учун қулай, ихчам бўлиши керак (одатда 1:10000, 1:25000 масштабларда).

Дала ер тузиш изланишлари лойиҳа ишларининг асосланган ва тўғри ечимларини топиш учун ўтказилади.

Дала изланишлари лойиҳа институти мутахассислари томонидан, хўжалик мутахассислари билан биргаликда ўтказилади. Лозим бўлган ҳолларда туман ҳокимияти, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари ҳам қатнашиши мумкин.

## Дала изланишлари даврида:

- чегара белгиларининг сақланиши, мавжуд ер майдони-нинг ер ҳисоби ва план-харита ҳужжатлари маълумот-ларига мослиги аниқланади;
- ер тузиш ишлари ўтказиладиган ерлар тавсифи (тупроғи, рельефи, ўсимлик дунёси) ва ишлаб чиқаришда фойдаланилиши, тупроқ унумдорлиги, қишлоқ хўжалик ерлари-нинг ҳосилдорлиги аниқланди;
- жойда қишлоқлар, ишлаб чиқариш марказлари, сув манбаалари, асосий йўллар ва йўл иншоотлари, бошқа қурилиш ва иншоотлар, боғлар, узумзорлар, тутзорлар, ихота дарахтлари ва эрозияга қарши иншоотлар кўриб чиқилади;
- қайта тақсимланаётган ерларни қишлоқлар, ишлаб чиқариш марказлари, асосий йўллар, сув иншоотлари ва бошқалар билан боғлиқлиги аниқланади.

- алмашишга ёки беришга тайёрланаётган ер майдонларидаги фойдаланилмаган харажатлар, капитал харажатлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, мевали ва мевасиз дарахтлар, ерни, сувни муҳофаза қилиш иншоотлари ва ихота дарахтлари, дала шийпонлари, чорва моллари учун ёзги лагерлар ва бошқа иншоотлар, йўллар ва йўл иншоотлари, ирригация ва мелиорация тармоқлари, артезиан ва бошқа қудуқлар, кўллар, гидротехника иншоотлари, насослар, экинлар, экинларга берилган маъданли ўғитлар ва бошқалар учун қилинган харажатлар аниқланади;

- ер тузишни ўтказиш бўйича хўжаликларнинг таклиф ва истаклари аниқланади.

Ўтказилган камерал тайёргарлик ва дала изланишлари асосида лойиҳа муаллифи туман мутахассислари билан биргаликда хўжаликлараро ер тузишни ўтказишга топшириқ ишлаб чиқади.

**Лойиҳалаш учун топшириқ лўнда, иқтисодий кўрсаткичлар ва бошқа ахборотлар билан ортиқча тўлғазилмаган, ер тузишда қатнашадиган ҳамма корхоналар ва ташкилотлар билан келишилган бўлиши керак, у лойиҳани тасдиқлайдиган ҳокимият томонидан тасдиқланади.**

**Топшириқ икки гуруҳ масалаларини ўз ичига олади.**

**Дастурли масалалар:** объект номи, лойиҳа мақсади ва вазифаси, буюртмачи ва лойиҳа ташкилоти орасидаги муносабатлар тавсифи, иш бажариш муддати, лойиҳавий ҳужжатлар таркиби, план-харита материаллари масштаби.

**Меъёрий-башоратлаш масалалари:** лойиҳавий вазифаларни ечишнинг ер қонунлари, ҳокимият маҳаллий органлар қарорлари ва буюртмачи талабларидан келиб чиқадиган тамойиллари, буюртмачининг лойиҳа мазмуни бўйича тавсиялари, ҳисоб-китоблар меъёрлари ва техник-иқтисодий асослашлар.

Лойиҳани ишлаш учун топшириқнинг намунавий шакли ва мазмуни қуйидагидек бўлади.

**Титул варағи:** топшириқни ким тасдиқлагани, лойиҳа номи; кимлар билан келишилганлиги - шахслар, ташкилотлар, уларнинг имзолари ва муҳрлари; Ергеодезкадастр Давлат қўмитасининг туман хизмати бошлиғининг имзоси, вақти, муҳр.

**Топшириқ мазмуни:** лойиҳалаш учун асос; буюртмачи ва лойи-ҳачи; лойиҳалаш вазифалари, бошланғич маълумотлар – хўжалик-нинг чегаравий ўлчами, экинлар ҳосилдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлиги ва бошқа хўжалик фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари; бўлажак ер мулкчилиги шакли; қишлоқни жойлаштириш; ҳудудни инженерлик жиҳозлаш: ирригация, мелиорация тармоқла-рини, йўлларни қуриш, сув таъминоти, электр узатиш бўйича тадбирлар; бирлашиш алоқалари; табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари; лойиҳа таркиби, план масшаби, мажбурий чизмалар, ёзма қисмининг мазмуни, лойиҳа ҳужжатлари нусхаларининг сони.

**Хулоса:** буюртмачи ва лойиҳа ташкилоти вакилларининг имзолари (лавозимлари, муҳри, вақти кўрсатилган).

## 3 илова

### Тезкор сўров учун саволлар

1. Ер тузиш жараёни нима?
2. ХАЕТ жараёни қандай босқичлардан иборат?
3. Тайёргарлик ишлари неча қисмдан иборат?
4. Камерал тайёргарликда қандай маълумотлар йиғилади?
5. Лойиҳалаш учун топшириқ нима?
6. Топшириқ қандай масалаларни ўз ичига олади?
7. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ким тасдиқлайди?
8. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар «Ер кодекси»нинг қайси моддасида келтирилган?

#### Вазифа:

Хўжаликлараро ер тузиш жараёнини кластер усули орқали тушунтириб беринг? *(фикрий жараёнларни кўргазмали ташкил этиши)*

## Адабиётлар

- \* 1. Аvezбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.
- \* 2. Avezbaev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash. - Т.: “Faylasuflar milliy jamiyati”, 2007. – 470 б.
- \* 3. S.Avezbaev, T.Karabayeva. Yer tuzish. - Т.:TDAU, 2005. – 305 б.
- \* 4. Землеустроительное проектирование. Под.ред. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

## \* Қўшимча

- \* 1.Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари.Т.: Адолат, 2016.
- \* 2. [www. Ziyo. net](http://www.Ziyo.net)
- \* 2. [http:www. guz. Ru](http://www.guz.Ru)